


ISSN 2181-7812

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI
AXBOROTNOMASI



ВЕСТНИК
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

№1
2019


TOSHKENT

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

2019 №1

2011 йилдан чиқа бошлаган

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI
AХВОРОТНОМАСИ



ВЕСТНИК
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

Тошкент

СОДЕРЖАНИЕ

CONTENT

НОВЫЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ТЕХНОЛОГИИ	NEW PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES
Марасулов А.Ф., Базарбаев М.И. ПОДХОД К ПОСТРОЕНИЮ ПРОЦЕССА ТРУДОУСТРОЙСТВА СТУДЕНТОВ И ВЫПУСКНИКОВ МЕДИЦИНСКИХ ВУЗОВ	Marasulov A.F., Bazarbaev M.I. APPROACH TO BUILDING THE PROCESS OF EMPLOYMENT OF STUDENTS AND GRADUATES OF MEDICAL UNIVERSITIES 9
ОБЗОРЫ	REVIEWS
Гадаев А.Г., Курбанов А.К., Туракулов Р.И. СУРУНКАЛИ ЮРАКЕТИШМОВЧИЛИГИРИВОЖЛАНИШИДА НЕЙРОГУМОРАЛ ОМИЛЛАР ГЕНЛАРИ ПОЛИМОРФИЗМИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ	Gadayev A.G., Kurbonov A.K., Turakulov R.I. THE ROLE OF GENE POLYMORPHISM OF NEUROHUMORAL FACTORS IN THE DEVELOPMENT OF CHRONIC HEART FAILURE 15
Ирискулов Б.У., Абилов П.М., Норбоева С.А., Мусаев Х.А., Уринов А.М. СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ПРОБЛЕМЫ ПЕРЕКИСНОГО ОКИСЛЕНИЯ ЛИПИДОВ	Iriskulov B.U., Abilov P.M., Norboeva S.A., Musaev Kh.A., Urinov A.M. THE CURRENT STATE OF THE PROBLEM OF LIPID PEROXIDATION 21
Қурбонов А.К. СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИНИ ТАШХИСЛАШ, ОҚИБАТЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА ДАВОЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШДА БИОЛОГИК МАРКЕРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ	Kurbanov A.K. THE VALUE OF BIOLOGICAL MARKERS IN THE DIAGNOSIS, PREDICTION AND EVALUATION OF THE EFFECTIVENESS OF TREATMENT OF CHRONIC HEART FAILURE 26
Миррахимова М.Х., Халматова Б.Т., Тошматова Г.А. БРОНХИАЛЬНАЯ АСТМА У ДЕТЕЙ: СОВРЕМЕННЫЙ ВЗГЛЯД НА ПРОБЛЕМУ	Mirrahimova M.H., Khalmatova B.T., Tashmatova G.A. BRONCHIAL ASTHMA IN CHILDREN: A MODERN VIEW OF THE PROBLEM 31
ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНАЯ БИОЛОГИЯ И МЕДИЦИНА	EXPERIMENTAL BIOLOGY AND MEDICINE
Есимбетов А.Т., Зарипов А.А., Бегдуллаева Г.С., Султанходжаев М.Н., Усманов П.Б., Хушматов Ш.С. ДЕЙСТВИЕ ДИТЕРПЕНОВЫХ АЛКАЛОИДОВ ЗОНГОРИНА И 1-О-БЕНЗОИЛНАПЕЛЛИНА НА СОКРАТИТЕЛЬНУЮ АКТИВНОСТЬ ГЛАДКОЙ МУСКУЛАТУРЫ АОРТЫ КРЫСЫ	Esimbetov A.T., Zaripov A.A., Begdullaeva G.S., Sultanhodzhaev M.N., Usmanov P.B., Khushmatov Sh.S. THE EFFECT OF DITERPENIC ALKALOIDS OF ZONGORIN AND 1-O-BENZOYLNAPEPELLIN ON THE CONTRACTILE ACTIVITY OF THE SMOOTH MUSCLES OF THE RAT AORTA 35
Хушбактова З.А., Иноятлова Ф.Х., Курбанова Н.Н., Асланова А.Х. ГЕПАТОПРОТЕКТОРНОЕ ДЕЙСТВИЕ РАСТИТЕЛЬНЫХ ПРЕПАРАТОВ КАТАЦИНА И ГЕРАНИЛА НА МОДЕЛИ ОСТРОГО ТОКСИЧЕСКОГО ПОРАЖЕНИЯ ПЕЧЕНИ	Khushbaktova Z.A., Inoyatova F.Kh., Kurbanova N.N., Aslanova A.Kh. COMPARATIVE EVALUATION OF HEPATOPROTECTIVE EFFECTS OF KATACIN AND GERANIL ON A MODEL OF ACUTE TOXIC LIVER DAMAGE 41

КЛИНИЧЕСКАЯ МЕДИЦИНА	CLINICAL MEDICINE	
Бабаджанов Б.Д., Матмуротов К.Ж., Отажонов Ж.Х. ПРИМЕНЕНИЕ МАЛОИНВАЗИВНЫХ ЭНДОВАСКУЛЯРНЫХ МЕТОДОВ ЛЕЧЕНИЯ У БОЛЬНЫХ С ДИАБЕТИЧЕСКОЙ ГАНГРЕНОЙ НИЖНИХ КОНЕЧНОСТЕЙ	Babadjanov B.D., Matmurotov K.J., Otajonov J.H. APPLICATION OF MINIMALLY INVASIVE ENDOVASCULAR METHODS OF TREATMENT IN PATIENTS WITH DIABETIC GANGRENE OF THE LOWER EXTREMITIES.	45
Гиясов З.А., Назарова М.М., Бахриев И.И., Хакимов С.А., Вафоев З.Б. К ВОПРОСУ ЭКСПЕРТНОЙ ОЦЕНКИ МЕДИЦИНСКОЙ ПОМОЩИ ДЕТЯМ И ПОДРОСТКАМ	Giyasov Z.A., Nazarova M.M., Bakhriev I.I., Khakimov S.A., Vafoyev Z.B. ON THE ISSUE OF EXPERT EVALUATION OF MEDICAL CARE FOR CHILDREN AND ADOLESCENTS	49
Девятков А.В., Бабаджанов А.Х., Рузибоев С.А., Байбеков Р.Р. ОЦЕНКА КАЧЕСТВА ЖИЗНИ БОЛЬНЫХ ЦИРРОЗОМ ПЕЧЕНИ ПОСЛЕ ПОРТОСИСТЕМНОГО ШУНТИРОВАНИЯ В ЗАВИСИМОСТИ ОТ СОБЛЮДЕНИЯ ПОСЛЕОПЕРАЦИОННЫХ РЕКОМЕНДАЦИЙ	Devyatov A.V., Babadjanov A.Kh., Ruziboev S.A., Baibekov R.R. EVALUATION OF QUALITY OF LIFE OF PATIENTS WITH LIVER CIRRHOSIS AFTER PORTOSYSTEMIC SHUNTING DEPENDING ON COMPLIANCE OF POSTOPERATIVE RECOMMENDATIONS	53
Джурабоева М.Х., Анварова Е.В., Рахманов Ш.А. СТРАТЕГИЯ ПОВЕДЕНИЯ У БОЛЬНЫХ ТУБЕРКУЛЕЗОМ ЛЕГКИХ С МНОЖЕСТВЕННОЙ ЛЕКАРСТВЕННОЙ УСТОЙЧИВОСТЬЮ И НИЗКОЙ ПРИВЕРЖЕННОСТЬЮ ЛЕЧЕНИЮ	Djurabaeva M.Kh., Anvarova E.V., Rakhmanov Sh.A. STUDYING THE STRATEGIES OF BEHAVIOR IN PATIENTS WITH PULMONARY TUBERCULOSIS WITH MULTIPLE DOSING STABILITY AND LOW AGREEMENT TO TREATMENT	60
Зокирходжаев Ш.Я., Жалолов Н.Н., Ибрагимова М.М., Махмудова И.А. СУРУНКАЛИ ГЕПАТИТЛАР ПАРЎЕЗТЕРАПИЯСИДА МАЎАЛЛИЙ ДУККАКЛИ МАХСУЛОТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ	Zokirkhodjayev S.Y., Jalolov N.N., Ibragimova M.M., Makhmudova I.A. THE USE OF LOCAL LEGUMES IN THE DIET THERAPY OF CHRONIC HEPATITIS	64
Индиаминов С.И., Мардонов Т.М., Расулова М.Р. ХАРАКТЕР И ОСОБЕННОСТИ МЕХАНИЧЕСКИХ ПОВРЕЖДЕНИЙ КОМПЛЕКСА ГОРТАНИ	Indiaminov S.I., Mardonov T.M., Rasulov M.R. CHARACTER AND PECULIARITIES OF MECHANICAL INJURIES OF LARYNX COMPLEX.	69
Исламов Ш.Э., Махматмуродова Н.Н. НЕНАДЛЕЖАЩЕЕ ОКАЗАНИЕ МЕДИЦИНСКОЙ ПОМОЩИ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ АКУШЕР-ГИНЕКОЛОГОВ	Islamov Sh.E., Makhmatmuradova N.N. IMPROPER MEDICAL ASSISTANCE IN ACTIVITIES OBSTETRICIANS-GYNECOLOGISTS	73
Каримов М.Ю., Холмуродов У.Т., Толочко К.П. РЕЗУЛЬТАТЫ ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ ПАЦИЕНТОВ С ОСТРОЙ ТРАВМОЙ КОЛЕННОГО СУСТАВА В БЛИЖАЙШЕМ И ОТДАЛЕННОМ ПЕРИОДЕ ПУТЕМ ВНЕДРЕНИЯ ТАКТИКИ РАННЕЙ АРТРОСКОПИИ	Karimov M.Yu., Kholmurodov U.T., Tolochko K.P. THE RESULTS OF SURGICAL TREATMENT OF PATIENTS WITH ACUTE KNEE INJURY IN THE NEAR AND LONG-TERM PERIOD THROUGH THE INTRODUCTION OF TACTICS OF EARLY ARTHROSCOPY	77

Мухамедова Ш.С., Тухтабаева Г.М., Юсупбаев Р.Б., Бабаханова А.М., Баратова М.Т., Даулетова М.Ж. ПРИМЕНЕНИЕ ПЬЕЗОЭЛЕКТРИЧЕСКОГО ТРОМБОЭЛАСТОГРАФА АПР-01 М «МЕДНОРД» У БЕРЕМЕННЫХ С ГИПЕРТЕНЗИВНЫМИ РАССТРОЙСТВАМИ	Muhamedova Sh.S., Tuxtabaeva G.M., Yusupbaev R.B., Babaxanova A.M., Baratova M.T., Dauletova M.J. APPLICATION OF APR-01 M "MEDNORD PIEZOELECTRIC THROMBOPLASTOGRAPH IN PREGNANT WOMEN WITH HYPERTENSIVE DISORDERS	81
Мухтаров Ш.Т., Акилов Ф.А., Насиров Ф.Р., Мирхамидов Д.Х., Худайбердиев Х.Б. АЛГОРИТМ ЭНДОСКОПИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ БОЛЬНЫХ С КОРАЛЛОВИДНЫМ И МНОЖЕСТВЕННЫМ НЕФРОЛИТИАЗОМ	Mukhtarov Sh.T., Akilov F.A., Nasirov F.R., Mirkhamidov D.Kh., Khudayberdiev Kh.B. ALGORITHM OF ENDOSCOPIC SURGERY OF CORAL SHAPED STONES AND MULTIPLE NEPHROLITHIASIS	84
Нажмутдинова Д.К., Сапаров А.Б., Клычев С.И. КРАТКОСРОЧНЫЕ ИСХОДЫ ЛАПАРОСКОПИЧЕСКОГО УДАЛЕНИЯ КИСТ ЯИЧНИКОВ У БОЛЬНЫХ С БЕСПЛОДИЕМ ПРИ ИСПОЛЬЗОВАНИИ РАЗЛИЧНЫХ СПОСОБОВ ХИРУРГИЧЕСКОГО ГЕМОСТАЗА	Najmutdinova DK, Saparov AB, Klychev S.I. SHORT-TERM OUTCOMES OF LAPAROSCOPIC REMOVAL OF OVARIAN CYSTS IN PATIENTS WITH INFERTILITY USING VARIOUS METHODS OF SURGICAL HEMOSTASIS	92
Нажмутдинова Д.К., Сапаров А.Б. КРАТКОСРОЧНЫЕ ИСХОДЫ ЛАПАРОТОМНОГО УДАЛЕНИЯ МИОМЫ МАТКИ С ВРЕМЕННОЙ ПЕРЕВЯЗКОЙ МАТОЧНЫХ СОСУДОВ У БОЛЬНЫХ С БЕСПЛОДИЕМ	Najmutdinova, D.K., Saparov, A.B. SHORT-TERM OUTCOME OF LAPAROTOMIC MYOMECTOMY WITH TRANSIENT UTERINE VESSELS OCCLUSION IN INFERTILE PATIENT	98
Рустамов Ф.Х., Назиров П.Х. ОСОБЕННОСТИ ИНТРАОПЕРАЦИОННОГО ВВЕДЕНИЯ АНТИБАКТЕРИАЛЬНЫХ ПРЕПАРАТОВ ПРИ ЭНДОПРОТЕЗИРОВАНИИ ТАЗОБЕДРЕННОГО СУСТАВА У БОЛЬНЫХ ТУБЕРКУЛЕЗНЫМ КОКСИТОМ	Rustamov F.Kh., Nazirov P.Kh. FEATURES OF INTRAOPERATIVE ADMINISTRATION OF ANTIBACTERIAL DRUGS FOR HIP JOINT ARTHROPLASTY IN PATIENTS WITH TUBERCULOSIS COXITIS	105
Садьков Р.А., Джумаева Н.Э., Ким О. В., Юсупов М.М. КЛИНИЧЕСКИЕ ТЕСТЫ ОЦЕНКИ РЕТРАКЦИИ ТРОМБА ДЛЯ ФОРМИРОВАНИЯ БИОПОКРЫТИЯ	Sadykov R.A., Jumaeva N.E., Kim O.V., Yusupov M.M. CLINICAL TESTS TO EVALUATE THROMBUS RETRACTION TO FORM A BIOCOATING	109
Хазраткулов Р.Б., Кариев Ш.М. РАННИЕ И ПОЗДНИЕ ОСЛОЖНЕНИЯ ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ ТРАВМАТИЧЕСКИХ ВНУТРИЧЕРЕПНЫХ ГЕМАТОМ	Hazratkulov R.B., Kariev Sh.M. ARLY AND LATE COMPLICATIONS OF SURGICAL TREATMENT OF TRAUMATIC INTRACRANIAL HEMATOMAS	114
Худайбергенев Ш.Н., Ирисов О.Т., Эшонходжаев О.Д., Турсунов Н.Т., Миролимов М.М., Рихсиев З.Г., Алимджанов А.Х. ХИРУРГИЧЕСКОЕ ЛЕЧЕНИЕ ПОСЛЕОПЕРАЦИОННЫХ ВНУТРИПЛЕВРАЛЬНЫХ КРОВОТЕЧЕНИЙ	Hudaybergenov Sh.N., Irisov O.T., Eshonhodjaev O.D., Tursunov N.T., Mirolimov M.M., Rihsiyev Z.G., Alimdjanov. A.H. SURGICAL TREATMENT OF POSTOPERATIVE INTRAPLEURAL BLEEDING	117
Юсупбаев Р.Б., Мухамедова Ш.С., Тухтабаева Г.М., Бабаханова А.М., Даулетова М.Ж. ОПТИМИЗАЦИЯ ВЕДЕНИЯ ГИПЕРТЕНЗИВНЫХ СОСТОЯНИЙ У БЕРЕМЕННЫХ С ПРИМЕНЕНИЕМ СТАЦИОНАР ЗАМЕНЯЮЩИХ MHEALTH ТЕХНОЛОГИЙ	Yusupbaev R.B., Muhamedova Sh.S., Tuxtabaeva G.M., Babaxanova A.M., Dauletova M.J. OPTIMIZATION OF MANAGEMENT OF HYPERTENSIVE STATES IN PREGNANT WOMEN WITH THE USE OF INPATIENT MHEALTH REPLACEMENT TECHNOLOGIES	122

ГИГИЕНА, САНИТАРИЯ И ЭПИДЕМИОЛОГИЯ	HYGIENE, SANITATION AND EPIDEMIOLOGY	
Азизова Ф.Л., Болтабоев У.А. ПОЙАФЗАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ ИШЛОВЧИЛАРИ КАСАЛЛАНИШ СТРУКТУРАСИНИ АНИҚЛАШДА ТАХЛИКА ОМИЛЛАРИНИНГ ГИГИЕНИК АҲАМИЯТИ	Azizova F.L., Boltaboev U.A. HYGIENIC SIGNIFICANCE OF RISK FACTORS IN DETERMINING THE STRUCTURE OF THE INCIDENCE OF FOOTWEAR WORKERS	126
Азизова Ф.Л., Болтабоев У.А. ПОЙАФЗАЛ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАЁТГАН ХОДИМЛАР ИШ ЖАРАЁНИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ	Azizova F.L., Boltaboev U.A. HYGIENIC ASSESSMENT OF THE LABOR PROCESS OF WORKERS IN THE SHOE INDUSTRY	130
Аниёзова Д.Ж., Исмаилова К.С. СОСТОЯНИЕ ЗДОРОВЬЯ ПОЖИЛЫХ ЛЮДЕЙ И МЕДИЦИНСКОЕ НАБЛЮДЕНИЕ ЗА НИМИ В ПЕРВИЧНОМ ЗВЕНЕ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ	Aniozova D.J., Ismailova K.S HEALTH CONDITION OF OLDER PEOPLE AND MEDICAL FOLLOW-UP IN THE PRIMARY HEALTH CARE	133
Камилова Р.Т., Носирова А.Р., Садирходжаева Н.С., Исакова Л.И., Ибрагимова Л.А. УСЛОВИЯ ПРОВЕДЕНИЯ ОБУЧЕНИЯ В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ШКОЛАХ И ОЦЕНКА ИХ СООТВЕТСТВИЯ ГИГИЕНИЧЕСКИМ ТРЕБОВАНИЯМ	Kamilova R.T., Nosirova A.R., Sadirhodjaeva N.S., Isakova L.I., Ibragimova L.A. CONDITIONS OF EDUCATION IN PRIMARY SCHOOLS AND ASSESSMENT OF THEIR CONFORMITY TO HYGIENIC REQUIREMENTS	137
Хусанова Н. Ф., Шайхова Г.И. МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАЛАРИ ТАЙЁРЛОВ ГУРУҲЛАРИДА ТАРБИЯЛАШ ШАРОИТЛАРИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ	Khusanova N.F., Shaykhova G.I. HYGIENIC ASSESSMENT OF THE CONDITIONS OF EDUCATION IN THE PREPARATORY GROUPS OF PRESCHOOL INSTITUTIONS	140
В ПОМОЩЬ ПРАКТИЧЕСКОМУ ВРАЧУ		TO HELP A PRACTICAL DOCTOR
Кулиев О.А., Бобомуратов Т.А. КАМҚОНЛИК БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БОЛАЛАРДА ГЕЛЬМИНТОЗЛАР ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ	Kuliev O.A., Bobomuratov T.A. EPIDEMIOLOGY OF HELMINTHOSIS IN CHILDREN WITH ANEMIA	144
Ибрагимова Ш.А., Миррахимова М.Х. РАЗРАБОТКА И ВНЕДРЕНИЕ АНКЕТЫ ПО ВЫЯВЛЕНИЮ АЛЛЕРГИЧЕСКИХ ЗАБОЛЕВАНИЙ У ДЕТЕЙ	Ibragimova Sh.A., Mirrahimova M.H. DEVELOPMENT AND IMPLEMENTATION OF THE QUESTIONNAIRE TO DETECT ALLERGIC DISEASES IN CHILDREN	147
Шагазатова Б.Х., Мирхайдарова Ф.С., Артикова Д.М., Ахмедова Ф.Ш., Кудратова Н.А. ОСОБЕННОСТИ ТЕЧЕНИЯ САХАРНОГО ДИАБЕТА У ВИЧ-ИНФИЦИРОВАННЫХ БОЛЬНЫХ	Shagzatova B.X., Mirkhaydarova F.S., Artikova D.M., Axmedova F.Sh., Kudratova N.A. FEATURES OF DIABETES MELLITUS IN HIV-INFECTED PATIENTS	149

ИСТОКИ	ORIGINS	
<p>Бабаджанов Х. Б. ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА МЕҲНАТ ВАҚТИ ДАВОМИЙЛИГИНИНГ ИШЧИЛАР САЛОМАТЛИГИ ВА МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ</p>	<p>Babadjanov KH.B. THE IMPACT OF THE LENGTH OF WORKING TIME ON WORKERS' HEALTH AND LABOR PRODUCTIVITY DURING WORLD WAR II</p>	<p>153</p>
<p>Махмудов Л.Ю. ФЕНОМЕН НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕНТИФИКАЦИИ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ В ЭПОХУ ГЛОБАЛИЗАЦИИ</p>	<p>Makhmudov L.Yu. THE PHENOMENON OF NATIONAL IDENTIFICATION IN CENTRAL ASIA IN THE ERA OF GLOBALIZATION</p>	<p>156</p>
<p>Рўзиев Б.Ў. СОҒЛОМ АВЛОД МАЪНАВИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИНГ ЎРНИ МУҲИМ ОМИЛ СИФАТИДА</p>	<p>Ruziev B.O. THE ROLE OF LEGAL CULTURE IN SHAPING THE SPIRITUALITY OF A HEALTHY GENERATION IS AN IMPORTANT FACTOR</p>	<p>159</p>
ЮБИЛЕЙ	ANNIVERSARY	
<p>ҚОСИМОВ ШУХРАТ ЗОКИРОВИЧ - 45 ЙИЛЛИК ИЖОД ЙЎЛИ (ТАВАЛЛУДИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ)</p>	<p>QOSIMOV SHUXRAT ZOKIROVICH - 45 YEARS CREATIVE WAY (DETAILS TO 70 YEARS OF JUBILEE)</p>	<p>161</p>

СУРУНКАЛИ ГЕПАТИТЛАР ПАРҲЕЗТЕРАПИЯСИДА МАҲАЛЛИЙ ДУККАКЛИ МАҲСУЛОТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

Зокирходжаев Ш.Я., Жалолов Н.Н., Ибрагимова М.М., Махмудова И.А.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МЕСТНЫХ БОБОВЫХ ПРОДУКТОВ В ДИЕТОТЕРАПИИ ХРОНИЧЕСКИХ ГЕПАТИТОВ

Зокирходжаев Ш.Я., Жалолов Н.Н., Ибрагимова М.М., Махмудова И.А.

THE USE OF LOCAL LEGUMES IN THE DIET THERAPY OF CHRONIC HEPATITIS

Zokirkhodjayev S.Y., Jalolov N.N., Ibragimova M.M., Makhmudova I.A.

ТТА ҳузуридаги Республика диетология ўқув-илмий маркази

Цель: возможность использования в диетотерапии хронических гепатитов супов из местных бобовых продуктов, приготовленных по новой технологии, и оценка их эффективности. **Материал и методы:** исследования проведены на 47 больных хроническими гепатитами, находившихся на лечении во 2-м терапевтическом отделении 1-й клиники ТМА. Они были разделены на 2 группы: 1-я – обычная диетотерапия, 2-я – с диетотерапией “пархез мохора”, приготовленной из местных бобовых культур. **Результаты:** в период обострения хронического гепатита клиническая картина, лабораторные и инструментальные показатели изменяются соответственно тяжести заболевания. Использование в качестве диетотерапии блюда “Пархез мохора”, приготовленного на основе новой технологии, оказывало положительное влияние на динамику заболевания, проявляющееся значительным улучшением показателей ферментного спектра сыворотки крови и нормализацией гематологических показателей. **Выводы:** связано с специфических растительных белков, содержанием полиненасыщенных жирных кислот, углеводов в виде крахмала, моно- и дисахаридов, а также высоким содержанием витаминов группы В, Е, С, РР.

Ключевые слова: хронический гепатит, диетотерапия, блюдо “диетическая мохора”, лечение.

Objective: the possibility of using in soups of chronic hepatitis soups from local bean products prepared using the new technology, and evaluating their effectiveness. **Material and methods:** studies were conducted on 47 patients with chronic hepatitis who were treated in the 2nd therapeutic department of the 1st TMA clinic. They were divided into 2 groups: the 1st one - the usual diet therapy, the 2nd one - with the Parhez Mohor diet therapy prepared from local beans. **Results:** In the period of exacerbation of chronic hepatitis, the clinical picture, laboratory and instrumental parameters change according to the severity of the disease. The use of the “Parhez Mohora” dish, prepared on the basis of the new technology, as a dietary therapy, had a positive effect on the dynamics of the disease, manifested by a significant improvement in the enzyme spectrum of the blood serum and normalization of hematological parameters. This is due to specific vegetable proteins, the content of polyunsaturated fatty acids, carbohydrates in the form of starch, mono- and disaccharides, as well as a high content of vitamins of group B, E, C, PP.

Key words: chronic hepatitis, diet therapy, “dietary food” dish, treatment.

Сўнги йилларда жигар касалликларини эрта штахислаш ва самарали даволашга тобора кўп эътибор берилмоқда. Унинг асосий сабабларидан бири ҳар йили бутун дунёда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам мазкур касалликларнинг тобора кўпайиб бориши ва меҳнатга лаёқатли аҳолини ногирон бўлиб қолиши ушбу касалликни даволашдаги усулларни такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Сурункали гепатитлар кўп ҳолатларда вирусли этиологияли (В, С, D), алкоголь, токсик омиллар, баъзи дори-дармонлар таъсирида ва бошқа сабабларга кўра юзага келади [1,10]. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотида кўра ҳар йили 50 миллион одам гепатит В, 200 миллион одам гепатит С билан касалланади, ва 350 миллион одам гепатит С вирусини ташувчиси ҳисобланади [1].

Сурункали гепатитлар давосида диетотерапия муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у нафақат касаллик ривожланганда, балки узоқ вақт ремиссия даврида ҳам муҳимдир. Эволюция жараёнида ҳазм тизими маҳаллий озиқ-овқатларни ўзлаштириш хусусиятларини мавжудлиги, маҳаллий маҳсулотлар (ўрта Осиё

дон-дуккаклар, сабзавотлар, кўкат ва бошқалар) кимёвий таркиби четдан келтирилган маҳсулотлардан фарқ қилади ва енгил ҳазм бўлади [2,3,7,10]. Сурункали жигар касалликларни даволаш жараёнида турли дори-дармонлар кўп миқдорда ишлатилиши ва пархез даво таркиби билан уйғунлашмаслиги самарасига салбий таъсир этади [3,7].

Пархез даволашда қабул қилинган Певзнер пархез столларини ҳозирги вақтда шифохоналарда тўлақонлик билан фойдаланилмаслиги ва ундаги четдан келтириладиган маҳсулотлар (гречка, перловка, рус нохоти, денгиз маҳсулотлари ва бошқалар) ни иқтисодий жиҳатдан қимматлиги, ҳамда эволюцион жараёндаги ҳазм тизимида тўлиқ мос келмаслиги, сурункали гепатитлар давосида пархез таомларни тайёрлашда янги технологияларни қўллаган ҳолда уларни биологик фаол моддалар, зарур макро ва микронутриентлар билан бойитиш ва маҳаллий маҳсулотларни қўллаш мақсадга мувофиқ.

Шу сабаб сурункали гепатит билан касалланган беморлар диетотерапиясида янги тайёрлаш техно-

логияси асосида маҳаллий дуккакли маҳсулот ўрта осие нўхатидан тайёрланган таомлардан фойдаланиш ва уларни парҳез давода самарадорлигини ошириш. Чунки, нўхат таркибида оқсил, аминокислоталар, витаминлар ва микроэлементлар мавжуд.

Материал ва усуллар

Тошкент тиббиёт академияси 1-клиникасининг 2-умумий терапия бўлимида сурункали гепатит билан касалланган 47 та бемор, 2 гуруҳга бўлиниб тадқиқ қилинади. 1-гуруҳ ананавий диетотерапия билан ва 2-гуруҳ маҳаллий дуккаклардан тайёрланган “Парҳез мохора” таомга асосланган янги диетотерапия қўллаган холда олиб борилади. Текширувда клиник, биокимёвий, диетологик, иммунологик ва статистик усуллар қўлланилди. Беморлар 21-73 ёшда бўлиб, уларнинг ўртача ёши 44.3 ни ташкил этди.

Ташхис клиник текширувлар, қонниенг биокимёвий таҳлили (аланинаминотрансфераза (АЛТ), аспаратаминотрансфераза (АСТ), умумий билирубин, умумий оқсил), умумий қон таҳлили (УҚТ), коагулограмма кўрсаткичлари, қоннинг иммунологик текшируви (RT-9800); Инструментал текширувлар: ультра товуш текшируви (SIUI Арогее 3800), компьютер тамография (GE Optima CT660) усуллари билан тасдиқланди.

1-гуруҳ сурункали гепатитлар билан оғриган беморларда ананавий диетотерапияга баҳо бериш учун жами 29 та бемор тадқиқ қилинди. Улардан, 16 (55.2%) таси эркаклар ва 13 (44.8%) таси аёлларни ташкил этди.

Жадвал 1

Вирус этиологияли		Алкогол	Токсик	Ноаниқ
HbsAg	HCV			
18	6	3	1	1

Сурункали гепатит ташхиси тақсимланиши 10 кун мобайнида беморларга 5-сон дастурхонга асосланган ананавий диетотерапия буюрилди.

2-гуруҳ сурункали гепатитлар билан оғриган беморлар диетотерапиясида “парҳез мохора” тушлик рациониди биринчи таом сифатида қўлланилди, жами 18 та беморни ташкил этди. Улардан, 11 (61.1%) таси эркаклар ва 7 (38.9%) таси аёлларни ташкил этди.

Жадвал 2

Вирус этиологияли		Алкогол	Ноаниқ
HbsAg	HCV		
10	4	2	2

Сурункали гепатит ташхиси тақсимланиши 10 кун мобайнида текширув гуруҳидаги беморларга тушликда 1-таом сифатида парҳез мохора берилди.

Ўтказилган ананавий диетотерапия самарадорлигини аниқлаш мақсадида бемор сурункали жигар касалликларининг клиник белгилар мониторинги ўтказилди, беморнинг клиник-лаборатор кўрсаткичлари динамикада ўрганилди. Олинган натижаларга статистик ишлов берилди.

Натижалар

Жадвал 3

“Парҳез мохора” хусусиятлари ва таркиби

Таркибий қисм	Ананавий диетотерапиядаги маҳсулотлар таркибий қисми	Янги диетотерапиядаги маҳсулотлар таркибий қисми	Янги диетотерапиядаги маҳсулотлар таркибий қисмидаги фарқ	
1	2	3	4	
Озуқавий моддалар				
Каллорияси, ккал	1359,7	1561,6	201,9	
Оқсил	Умумий, грамм	52,8	62,6	9,8
	Ўсимлик, грамм	19,5	29,9	10,4
	Ҳайвон, грамм	33,3	32,5	-0,8
Ёғ	Умумий, грамм	50,7	53,4	2,7
	Ўсимлик, грамм	4,9	15,5	10,6
	Ҳайвон, грамм	45,8	38	-7,9
Углеводлар, грамм	170,4	219,6	49,2	
Овқат толалари, грамм	20,2	21,8	1,6	
Моно- ва дисахаридлар, грамм	54,4	63	8,6	
Крахмал, грамм	118,7	163,5	44,8	
Холестерин, мг	178,2	144,7	-33,5	
Органик кислоталар, грамм	1,2	1,6	0,4	
Тўйинган ёғ кислоталар, грамм	27,5	24,1	-3,4	
Ярим тўйинган ёғ кислоталар, грамм	1,3	7,7	6,4	
Кул, грамм	10,6	12,8	2,2	
Микро- ва макроэлементлар				
Fe, мг	12,4	15,6	3,2	
Na, мг	4425,8	4609,7	183,9	
K, мг	2846,1	3634,9	788,8	
Ca, мг	321,1	368	46,9	
Mg, мг	281,2	315,1	34	
P, мг	932,1	1037,7	105,6	
Витаминлар				
Витамин А [ретинол], мкг	176,1	146,6	-29,5	
Витамин А [ретинол эквиваленти], мкг	1450,7	1421,6	-29,1	
Витамин Е [токоферол эквиваленти], мг	4,4	9,4	5	
β-каротин, мкг	7654,5	7667,8	13,3	
Витамин В1 [тиамин], мг	0,9	1,4	0,5	
Витамин В2 [рибофлавин], мг	0,8	0,9	0,1	
Витамин РР [ниацин], мг	15,5	16,2	0,7	
Витамин РР [ниацин эквиваленти], мг	25,3	27,4	2,1	
Витамин С [аскорбин кислота], мг	69,2	90,9	21,7	

3-жадвалда ананавий диетотерапияга қараганда янги “Парҳез мохора” қўшилган диетотерапияда қуйидаги нутриентларнинг: умумий каллорияси - 14,8% кўпайган. Умумий оқсил (18,7%) ўсимлик оқсил (53,7%) ҳисобига ошган. Умумий ёғ (5,3%) ўсимлик мой (216,3%) ҳисобига ошган. Углеводлар 28,9%, Овқат толалари 7,9%, Моно- ва дисахаридлар 15,8%, Крахмал 37,8% ошган. Органик кислоталар

29,2%, Ярим тўйинган ёғ кислоталар қарийиб 5 барбарга ошган. Макро ва микро элементлар жумладан Fe - 25.9%, Na - 4.2%, K - 27.7%, Ca - 14.6%, Mg - 12.1%, P - 11.3% ортган. Витамин E - 113.8%, Витамин B1 - 52.1%, Витамин B2 - 7.3%, Витамин PP - 4.5%, ни-

ацин эквиваленти - 8.4%, Витамин C - 31.4% ошган. Қуйидаги нутриентларнинг: ҳайвон оқсили - 2.4%, ҳайвон ёғи - 17%, холестерин - 18.8%, Тўйинган ёғ кислоталар - 12.3%, Витамин A - 16.8%, ретинол эквиваленти - 2% камайишини кўришимиз мумкин.

Жадвал 4

Клиник кўрсаткичларга тавсиф

Симптомлар	Анъанавий диетотерапия								Симптомларни динамикада ўзгариши %	"Парҳез мохора"								Симптомларни динамикада ўзгариши %
	Муолажадан олдин				Муолажадан кейин					Муолажадан олдин				Муолажадан кейин				
	0 балл	1 балл	2 балл	Умумий балл	0 балл	1 балл	2 балл	Умумий балл		0 балл	1 балл	2 балл	Умумий балл	0 балл	1 балл	2 балл	Умумий балл	
Ўнг қовурға остида оғриқ	10	15	4	23	17	12	0	12	-47,8	6	11	1	13	11	7	0	7	-46,2
Жиғилдон қайнаши	4	15	10	35	11	14	4	22	-37,1	4	10	4	18	8	9	1	11	-38,9
Оғизда аччиқлик хисси	9	15	5	25	15	13	1	15	-40,0	3	13	2	17	8	10	0	10	-41,2
Кекириш	8	16	5	26	12	15	2	19	-26,9	6	9	3	15	9	8	1	10	-33,3
Кўнгил айнаши	12	15	2	19	16	13	0	13	-31,6	5	12	1	14	8	10	0	10	-28,6
Қайт қилиш	22	7	0	7	26	3	0	3	-57,1	15	3	0	3	17	1	0	1	-66,7
Сариқлик	16	12	1	14	19	10	0	10	-28,6	11	6	1	8	12	6	0	6	-25,0
Қорин дам бўлиши	4	18	7	32	12	15	2	19	-40,6	1	14	3	20	6	11	1	13	-35,0
Иштахасизлик	6	16	7	30	12	15	2	19	-36,7	1	16	1	18	7	11	0	11	-38,9
Геморрагик симптомлар	15	14	0	14	18	11	0	11	-21,4	9	9	0	9	11	7	0	7	-22,2
Ич келиши [қабзиятга мойиллиги]	10	15	4	23	15	14	0	14	-39,1	6	10	2	14	10	8	0	8	-42,9

Сурункали жигар касалликларида ананавий диетотерапияга нисбатан айрим клиник симптомларнинг динамикада ўзгариши "Парҳез мохора" билан ўтказилган диетотерапияда юқорилиги кўзга ташланади. Буларга: жиғилдон қайнаши 1,7 %,

Оғизда аччиқлик хисси 1,2 %, кекириш 6,8 %, Қайт қилиш 9,5 %, иштахасизлик 2,2 % ва геморрагик симптомлар 0,8%га юқорилигини кўришимиз мумкин. Маълум бир симптомларнинг яхшиланиши динамикада сезиларсиз камайган.

Жадвал 5

Сурункали гепатит касалликларида беморлар қоннингг биокимёвий текширув натижалари

Текширув гуруҳи Кўрсаткичлар	Анъанавий даво		"Парҳез мохора"	
	Даводан олдин (M±m)	Даводан сўнг (M±m)	Даводан олдин (M±m)	Даводан сўнг (M±m)
АЛТ ммоль/л	0.89±0.16	0.82±0.15	0.91±0.21	0.78±0.18*
АСТ ммоль/л	0.63±0.12	0.59±0.11	0.67±0.16	0.63±0.15
Билирубин ммоль/л	47.8±8.88	43.31±8.04	49.04±11.56	44.47±10.48
Умумий оқсил г/л	64.91±12.05	67.23±12.48	63.88±15.06	68.86±16.23*

* - Хатоликлар эҳтимолиги [* - P<0,05, ** - P<0,01, *** - P<0,001]

5 жадвалда сурункали гепатит касалликларида ананавий диетотерапия қўлланилганда биокимёвий таҳлилда АЛТ ни 7.1%га, АСТни 6.1%, уммумий билирубин миқдорини 9.4%га камайгани ва умумий оқсилнинг 3.6% га кўпайганини кўришимиз

мумкин. "Парҳез мохора" қўллангандан сўнг биокимёвий таҳлилда АЛТ ни 13.6 %га, АСТни 6.5 %, уммумий билирубин миқдорини 9.3 %га камайгани ва умумий оқсилнинг 7.8% га кўпайганини кўришимиз мумкин.

Сурункали гепатит касалликларида беморлар умумий қон таҳлили натижалари

Текширув гурухи Кўрсаткичлар	Анъанавий даво		“Парҳез мохора”	
	Даводан олдин (M±m)	Даводан сўнг (M±m)	Даводан олдин (M±m)	Даводан сўнг (M±m)
Гемоглабин г/л	107.03±16.51	113.21±21.02	109.11±25.72	116.89±27.55*
Эритроцит 10 ¹² /л	3.55±0.66	3.71±0.69	3.48±0.82	3.69±0.87
Лейкоцит 10 ⁹ /л	6.15±1.14	5.94±1.1	6.01±1.42	5.88±1.39
ЭЧТ мм/с [M±m]	15.83±2.94	14.1±2.62	15.06±3.55	13.44±3.17

. Хатоликлар эҳтимолиги (- P<0,05, ** - P<0,01, *** - P<0,001)

6-жадвалда сурункали гепатит касалликларида ананавий диетотерапия қўлланилганда умумий қон таҳлилида эса гемоглабин 5.8 %га, эритроцитлар сони 4.6 %га кўпайгани ва лейкоцитлар сонининг 3.5 %, ЭЧТнинг 10.9 % камайганини кўришимиз мумкин. “Парҳез мохора” қўллангандан сўнг умумий қон таҳлилида эса гемоглабин 7.1 %га, эритроцитлар сони 6.1 %га кўпайгани ва лейкоцитлар сонининг 2.2 %, ЭЧТнинг 10.7 % камайганини кўришимиз мумкин.

Муҳокама

Рациондаги умумий каллориянинг кўпайиши, умумий оқсилнинг кўпайтирилгани шу жумлада ҳайвон оқсилларини сезиларли даражада камайтирмасдан ўсимлик оқсилнинг оширилганлиги жигарда кечаётган кувват ва оқсил танқислигини бирмунча камайтиради [7,9,10].

Умумий ёғ миқдорининг ўсимлик мойи ҳисобидан кўпайтирилиши, таркибида тўйинмаган ёғ кислоталари [линол, линолен ва б.]ни ошишига, жигар тўқимасининг нормал ўсиши ва ривожланишига, томирлар эластиклигини ошишига, холистерин алмашинувини нормаллашувига олиб келади [2,7]. Липотроп хусусияти жигар ёғли инфилтрацияси ривожланишини олдини олади ва оқсилларни ўзлаштиришига, ёғда эрувчи витаминлар абсорбциясига кўмаклашади [5,10]. Ҳайвон ёғларининг ва тўйинган ёғ кислоталарининг сезиларли камайтирилиши уларнинг моддалар алмашинуви сусайиши каллория сарфланишининг қийинлашиши ва семириш каби ножўя таъсирини камайтиради [2,10].

Рациондаги микро- ва макро элементларнинг кўпайтирилиши организмдаги турли тўқималар фаолиятини яхшилади, оқсил ва ферментлар синтезланишини нормаллаштиришига сабаб бўлади [2,5].

Витамин С нинг миқдорининг “Парҳез мохора”да ошиши жигарга ижобий таъсир кўрсатади чунки у антиоксидант, антирадикал ва липотроп хусусиятга эга, оқсиллар ва ҳужайраларни бошқа компонентларини оксидланиш жараёнларини тор-мозлайди ва шикастланишдан химоялайди [2,5].

Хулоса

Сурункали жигар касалликларининг кўзғалиш даврида касалликнинг клиник шаклига мос лабаратор ва инструментал ўзгаришлар кузатилади.

Янги технология асосида яратилган “Парҳез мохора”ни сурункали жигар касалликлари диетотерапиясида қўллаш ижобий натижалари қоннинг ферментатив кўрсаткичлари ва умумий қон таҳлили кўрсаткичларининг меъёрлашиши билан намоён бўлди.

Парҳез мохора нутритив таркиби умумий оқсилнинг ўсимлик оқсиллари ҳисобидан, умумий ёғ миқдорининг ўсимлик мойи ҳисобидан, углеводлар миқдорининг крахмал, моносахаридлар-дисахаридлар ҳисобидан, ва Витаминларнинг Е, С, РР, В гуруҳ ҳисобига юқорилиги аниқланди.

Адабиётлар

1. Гадаев А. Ички касалликлар/ Тошкент, “Turon zamin ziyo”, 2014.-912 б.
2. Гурвич М. «Михаил Гурвич. Большая книга о питании для здоровья»: Эксмо; Москва; 2013. – С. 739.
3. Каримов Ш.И., Соғлом овқатланиш – саломатлик мезони, - Т.: “O‘zbekiston” НМИУ, 2015. – 328б.
4. Серикқызы М.С., Кызыр К. Изучение пищевых и химических состав бобовых продуктов: горох, фасоль, соя // Инновации в науке: сб. ст. по матер. LIX междунар. науч.-практ. конф. № 7. – Новосибирск: СибАК, 2016. – С. 110-114.
5. Тутельян В.А., Вялков А.И. и др., Научные основы здорового питания:– М.: Издательский дом «Панорама», 2010.– С. 816 с.
6. Тутельян В.А., Химический состав российских пищевых продуктов: Справочник/Подред. членкорр. МАИ, проф.И.М.Скурихинаакадемика РАМН, М.: ДеЛи-принт, 2002. – С. 236с.
7. Худойбергганов А.С., Зокирова М.М., Махмудова И.А., Нарзиев Н. Сурункали гепатитларда парҳез овқатланишнинг мутаносиблигини таъминлаш масалалари // Соғлом ва парҳез овқатланишнинг долзарб муаммолари: илмий амалий семинар, Тошкент – 2017, 180-183 б.
8. Шайхова Г.И. // Овқатланиш гигиенаси фани бўйича ўқув қўлланма. Т. 2015. – 520 б.
9. NUTRITION AND DIETETICS: higher secondary -first year/ © Government of Tamil Nadu, First Edition –2004, 234 pages
10. Ruth A. Roth, MS, RD, Nutrition & Diet Therapy, 10th Edition / 2011 Delmar, Cengage Learning: Clifton Park, NY 12065-2919, 580 pegs

**СУРУНКАЛИ ГЕПАТИТЛАР ПАРХЕЗ ТЕРАПИЯСИДА
МАҲАЛЛИЙ ДУККАКЛИ МАХСУЛОТЛАРНИ
Қўллаш**

Зокирходжаев Ш.Я., Жалолов Н.Н., Ибрагимова М.М.,
Махмудова И.А.

Мақсад: сурункали гепатит билан касалланган беморлар пархез терапиясида янги тайёрлаш технологияси асосида маҳаллий дуккакли махсулот Ўрта Осиё нўхатидан тайёрланган таомлардан фойдаланиш ва уларни пархез давода самарадорлигини ошириш. **Материал ва усуллар:** Тошкент тиббиёт академияси 1-клиникасининг 2-умумий терапия бўлимида сурункали гепатит билан касалланган 47 та бемор, 2 гуруҳга бўлиниб тадқиқ қилинди. 1-гуруҳ ананавий пархез терапия билан ва 2-гуруҳ маҳаллий дуккаклардан тайёрланган "Пархез мохора" таомга асосланган янги қўлланган пархез терапия ҳолда олиб борилди.

Текширувда клиник, биокимёвий, диетологик, иммунологик ва статистик усуллар қўлланилди. **Натижа:** сурункали жигар касалликларининг кўзғалиш даврида касалликнинг клиник шаклига мос лаборатор ва инструментал ўзгаришлар қузатилди. Янги технология асосида яратилган "Пархез мохора"ни сурункали жигар касалликлари пархез терапиясида қўллаш ижобий натижалари қоннинг ферментив кўрсаткичлари ва умумий қон таҳлили кўрсаткичларининг меъёрлашиши билан نامоён бўлди. **Хулоса:** пархез мохора нутритив таркиби умумий оқсили ўсимлик оқсиллари, умумий ёғ миқдори тўйинмаган ўсимлик мойлари, углеводлар крахмал, ҳамда моно-ва дисахаридлар ҳиссобида бўлиб, витваминлардан Е, С, РР, В гуруҳини ташкил қилади.

Калит сўзлар: сурункали гепатит, пархез, пархез мохора таоми, даволаш.